

ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

— 2022 йил—Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили —
Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲО‘ЛИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@mail.uz

2022 йил 15 июл № 25 (8422)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат
Мирзиёев "2022-2026
йилларда Ўзбекистон
Республикасининг
инновацион ривожланиш
стратегиясини тасдиқлаш
тўғрисида" фармон қабул
қилди.

Юртбошимиз "2022-2026
йилларда Ўзбекистон
Республикасининг
инновацион ривожланиш
стратегиясини амалга
ошириш бўйича ташкилий
чора-тадбирлар тўғрисида"
қарор қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари
Шавкат Мирзиёевнинг
"Пахта ҳосилдорлигини
ошириш, пахта
етиштиришда илм ва
инновацияларни жорий
қилишнинг кўшимча
ташкилий чора-тадбирлари
тўғрисида"ги қарори эълон
қилинди.

Президентимиз
Шавкат Мирзиёевнинг
"Автотранспорт
воситаларини бошқаришда
ва йўналишсиз такси
фаолиятини амалга
оширишда кўшимча
қулайликлар яратиш
тўғрисида"ги қарори эълон
қилинди.

Юртбошимиз "2022-2026
йиллар давомида амалга
оширилиши мўлжалланган
"Хавфсиз ва равон йўл"
умуммиллий дастурини
тасдиқлаш тўғрисида" қарор
қабул қилди.

Марказий банк 2022 йилнинг
15 июлидан бошлаб номинал
қиймати 200 000 сўм бўлган
банкнот кўришида янги
пул белгиларини муомалага
чиқарилиши тўғрисида
қарор қабул қилинганлигини
маълум қилди.

Дўппидўзлик— ҚАДРИЯТГА ЭШ ҲУНАР



—Маҳалламизни чин маънода дўппидўзлар маҳалласи, десак бўлади, — дейди "Сойбўйи" маҳалла хотин-қизлар фаоли Отикахон Ҳакимова. — Ҳозир деярли 500 нафардан ортиқ қиз-аёллар дўппидўзлик билан машғуллар. Шунинг учун ҳам маҳалламиздан ҳеч ким иш ахтариб четга чиқмайди. Саховат кўчаси-

да истиқомат қилаётган Сабохон Юсупова бир неча ўнлаб шогирдлар тайёрладилар. Келинлари Шаҳнозаҳон, шогирди Муқимаҳонлар бу ҳунарнинг ҳаддини олганлардан. Бугун хонадонда етти нафар ёшлар бандлиги таъминланган. Ҳозирда корпорация ташкил этиб, 52 дўппидўзни жам қилган-

Дўппи ярашмайдиган қизлар бўлмаса керак. Марғилондаги Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар мактаби ўқувчи-қизларининг ташқи қиёфасини кўрган ҳар қандай одам уларга ҳавас билан қарайди. Азиз бошларига ҳўб ярашиб турган дўппиларнинг ижодкорларига беихтиёр тасаннолар айтади. Рост-да, ҳақиқатан ҳам дўппи қизларимизнинг миллий ўзлигини шундай намоён этадики, таърифлашга тил ожизлик қилади. Бундан қирқ-эллик йиллар илгари келинчақлар либосларини ҳам уроқи дўппилар бегазанди. Улар ҳар бирининг ўзига хос номлари буларди. Афсус, бугун уларни кўп ҳолларда тадбирларда, саҳналарда учратамиз. Қани энди, бугун ҳам миллий ҳунармандчилигимизнинг гултожи бўлган дўппидўзлимиз янада ривож топса.

миз. Сафимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор. Чунки биз тайёрлаётган дўппиларнинг хари-дорлари Самарқанду Бухорода қанча бўлса, олишга тайёр.

Суратда: Сабохон Юсупова шогирдлари даврасида. Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган сурат.

"Прокурор кубоги" учун

МИЛЛИЙ КУРАШЧИЛАР БАҲСИ

Спортнинг қайси тури бўлмасин, ўзаро беллашувлар, мурасиз курашлар спортчини чарқайди, матонат ва жасорат сари чорлайди. Шу маънода яқинда туманимизда вилоят прокурори кубоги учун миллий кураш баҳслари ҳам юксак савияда ташкил этилгани билан ёдда қоларли бўлди ва ўз қаҳрамонларини кашф этди.



Вилоят прокурори, туман ҳокимлиги, вилоят ҳамда туман кураш федерацияси, спортни ривожлантириш бўлимлари билан ҳамкорликда бизнинг болалар ва ўсмирлар спорт мактабида уюштирилган баҳсларда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан етти вазн тоифасида 200 га яқин ўсмирлар ва йигит-қизлар иштирок этдилар. Айтиш мумкинки, мусобақа ташкилотчиси—вилоят прокурори, туман ҳокими, вилоят ҳокимининг ўринбосари, спорт мутахассислари иштирок этган мусобақа олдига қўйган мақсадига тўла эришди.

Расулжон САИДОВ,
туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ижрочи директори.
Суратларда: мусобақа иштирокчилари; ғолиблар шохсупада.
Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ олган суратлар.

УШБУ

2

* Интилганга елка тутиб...

* Аҳolini рўйхатга олиш:

СОНДА:

бу ҳақда нималарни билишимиз керак?

3

* Жавоҳирот сандиғи

* Мақсадингиз аниқми?

* Жаҳон айвонида

4

Сабоқ бекати

* Аҳли дониш дейдиларки...

* Ақл-ақлдан қувват олар

* Билиб қўйган маъқул

Ёшлар—эл-юрт ишончи

ИНТИЛГАНГА ЕЛКА ТУТИБ...

Юртимизда куни-кеча кўтаринки нишонланган Ёшлар кунининг шукуҳи халқ дилига нурафшонлик бахш этгани айни ҳақиқат. Юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистон” боғига жам бўлган ёшларга қарата: “— Шижоат ва интилишингизни кўриб, ёниб турган кўзларингизга боқиб, ўзимга битмас-туганмас куч оламан. Сизлар мана шундай катта куч-қудрат эгасисизлар”—, деб айтган сўзлари ёш қалбларда акс-садо бераётгани ҳам шак-шубҳасиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий манбаларини ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш бўйича кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 март ҳамда 28 апрелдаги қарорлари дастуриламал бўлиб, ушбу ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида туманимизда бир қатор ишлар бажарилганини таъкидлаш жоиз.

Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, жорий йилда жами 1024 нафар йигит-қиз “Ёшлар дафтари”га киритилган бўлиб, сектор раҳбарлари томонидан кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида уларнинг минг нафарга яқинини мазкур рўйхатдан чиқаришга эришилди. Бунга эса қуйидаги саъй-ҳаракатлар замин



бўлди. Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган ёшлар етакчиларининг тавсия хатларига асосан ҳозирги давр ҳолатига 393 нафар ёшларга жами 1 миллиард 130 миллион сўмлик “Ёшлар жамғармаси” маблағлари ҳисобидан ижтимоий кўмак кўрсатилди.

Ушбу маблағ ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуна ва меҳнат қуроллари ажратиш, олий ва профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган, иқтисодий кўмакка муҳтож шартнома маблағларини тўлаш, ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқишлари ҳамда сафарбарлик чақируви резерви шартнома тўлови, даволаниш харажатларини қоплаш, ижтимоий аҳволи оғир бўлганларга бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларга турар жой ижараси компенсацияси тўлаш учун сарфланди.

Бундан ташқари, ёшлар бандлигини таъминлаш доимий даромад манбаига эга бўлишларига кўмаклашиш мақсадида “Ёшлар дафтари”га киритилган 515 нафар ёш ўғил-қизларимизга Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиқларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ижара асосида 0,10 сотихдан жами 51.5 га ер майдонлари ажратиб берилди.

“Беш ташаббус” доирасида ёшлар ўртасида ўтказиладиган маданий-маърифий ва спорт тадбирларини ташкил этиш ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган ёшлар етакчиларини ўз ҳудудларидаги ёшларни спортга жалб этишларига кўмаклашиш мақсадида спорт анжомлари сотиб олиш учун “Ёшлар жамғармаси” маб-

лағлари ҳисобидан жами 81 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам келажагимиз ворисларига қаратилган юксак эътибор намунасидир.

Ёшлар кунини муносабати билан барча жойлардагидек, туманимизда ҳам янги имкониятлар эшиги очилди. Ижтимоий кўмакка муҳтож ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, олий таълим ташкилотлари талабалари ўртасида интеллектуал соғлом рақобатни шакллантириш, талаба ва ёшларнинг билим ва салоҳиятини янада ошириш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ҳоким ташаббуси билан “Ёшлар дафтари” жамғармасига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 50 миллион сўм маблағ ажратиб берилди.

Юқорида айтиб ўтганимиз йирик тантанادا Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларга халқ шоири Фафур Фуломнинг сўзлари билан мурожаат қилди:

«Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз, Не учун елкамни тутиб бермайин?»

Дарҳақиқат, бугун биз интилаётган ёшларимизга елка тутар эканмиз, бу ғамхўрликка жавобан эртага улар энг эзгу орзу умидларимизни рўёбга чиқара олишларига ишонамиз.

Акmalжон ЮСУПОВ,
туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари.
Суратда: Акmalжон Юсупов бир гуруҳ фаол ёшлар билан суҳбат чоғида.

Жараён

Аҳолини рўйхатга олиш кампанияси кенг қамровли жараёнدير. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, келаси йилда мамлакатимиз аҳолиси рўйхатдан ўтказилиши кўзда тутилган. Бу тадбир ўн йилдан ўттиз йилгача ривожланишнинг прогност кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги қарорда республикада мазкур тадбир 2023 йил 1-25 ноябр кунлари ўтказилиши белгиланган бўлиб, бундан аксарият фақароларимиз хабардорлар. Шунга қарамай, бугун биз яна бир бор энг асосий тартиб-қоидаларга тўхталиб ўтаемиз.

АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ: БУ ҲАҚДА НИМАЛАРНИ БИЛИШИМИЗ КЕРАК?

Қонуни 20-моддасига асосан рўйхатга олиш дастурида аҳо-

миллати, фуқаролиги, яшаш жойи (турган жойи), тилларни билиши, маълумоти, никоҳ ҳолати, болаларининг сони, уй хўжалиги таркиби, уй-жой шароитлари, бандлиги, яшаш учун маблағлар манбалари, миграция (ички ва ташқи) каби саволлар акс этган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан қўшимча равишда бошқа саволлар киритилиши мумкин. Давлат сирларига ва қонун билан қўриқланадиган

мақсадлар учун бериладиган хоналарда респондентлар сўровини ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш варақларини тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Респондентлар сўрови давлат тилида ўтказилади. Давлат тили билмайдиган респондент-

маган ёки вояга етмаган шахслар бўлган респондентлар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар улар уй хўжалигининг вояга етган аъзолари томонидан маълум қилинади. Ўзига нисбатан васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар уларнинг васийлари ёхуд ҳомийлари томонидан маълум қилинади.

Респондент рўйхатга олиш варағидаги саволларга жавоб беришни рад этган тақдирда рўйхатга олиш варағи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги мавжуд маълумотлар асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурида назарда тутилмаган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни йиғиш тақиқланади.



Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 16 мартдаги “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги

ли вакилининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, ёши, жинси,

бошқа сирларга тааллуқли ахборотни ўз ичига олиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи саволлар киритилишига йўл қўйилмайди. Рўйхатга олиш варағининг шакллари Аҳолини рўйхатга олиш дастури асосида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Шахсга доир маълумотларни йиғиш мазкур қонуннинг 23-моддасида белгилаб қўйилгандек—респондентлар яшайдиган (турадиган) турар жойларни ва бошқа хоналарни айланиб чиқиш чоғида ёхуд маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ушбу

лар она тилида ёки эркин равишда танланган мулоқот тилида сўровдан ўтказилиши



мумкин. Рўйхатга олиш варақлари рўйхатга олувчи ходимлар томонидан респондентларнинг сўзлари асосида тўлдирилади.

Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш муддати ичида яшаш (турган) жойида ҳозир бўл-

Ушбу муҳим тадбирда барча юртдошларимиз фаоллик кўрсатадилар, деган умиддамиз.

Шуқурулло ТОШТЕМИРОВ,
туман аҳолини рўйхатга олиш бўлими бошлиғи.

Борлиқнинг—шу Сиз билан биз билган ҳаётнинг, кўз очиб кўрган дунё-мизнинг энг буюк аъзоси, мураббийси—офтоб. Мана шу биргина оддий, аммо жаҳоний сўз замирида нималар борлигини тасаввур этиб кўринг-а! Олимпларнинг тахминига кўра, Куёш сўнса, шу заҳотиёқ Ер теграсини 15 метр қалинликдаги муз қоплаб олар экан. Бу, албатта ҳар бир кишини чуқур ўйга толдиради.

Мен китоб дейилганда, китоб ҳақида сўз кетганда ҳам ана шундай чуқур ўйга чўмаман. Негаки, китобни ҳам офтобга қиёслашди. Кишилиқнинг буюк даҳолари—

улар қайси асрда яшаганидан, ким бўлганидан қатъий назар, китобни ўзгача меҳр билан севганлар, ардоқлаганлар, авайлаб-асраганлар. Китобнинг қандай оҳанрабои бор эдики, у шунчалар беназир нарсага айланди. Мана ҳаёлимда Ибн Сино доруссалтанатда нимани сўраса раво бўлиб турган пайтда олтин, сийму зар эмас, кимҳоб эмас, китоб сўраяпти. Мана Жомий: китобни вафодор, дилкаш дўст, дея тараннум этипти. Навоий китобни маъшуқага ўхшатапти. Горький ўзидаги барча яхши фазилатлар учун китобга миннатдорчилик билдирмоқда. Ҳамза айтмоқда: қадрини билган кишига, шубҳасиз жондир китоб...

...Аммо буларнинг бари китоб деб аталган нодир бойлиқлар дафинасини тўла таърифлай олмас керак. Офтоб сўнишининг даҳшатларику кўпчиликка аён. Аммо китоб бўлмаса, нима бўларди? Кўнгиллар саҳрода тап-тақир, на кўзда нур, на дилда сурур бўларди, кишилиқнинг улкан-улкан гулистонлари гиёҳсиз масканга айланарди. Яна қанча-қанча ойдин орзулар эрта хазон, гулдек сарғайиб сўларди.

Мен ўзимнинг қисқа умримни китобсиз тасаввур қилолмайман, кишилиқ тарихи китобларсиз қолишини гапирмай қўя қолай. Китоб билан қачон ошиқ-маъшук бўла қолдим, эслолмайман. Менга доим мириқиб ўқишга вақт этишмаётгандай туюлаверади. Кўзим

тушиб, кўлимга илинган китоб борки, лоақал варақлайман. Умримнинг энг лаззатли дамлари яхши китобга етишган кунларим. Аммо мезон китоб ўқиш эмас, албатта. Гап ўқишда, тушунишда, қандай ўқишдадир.

Менинг шахсий кутубхонамда 5000 атрофида китоб бор. Айтиш мумкинки, мен уларни кипригим билан йиққанман. Шулардан ўттиз-қирқтаси—гулзор ичида гул—ўқиб тўймайдиган, кўлдан қўймайдиган, “ёстиғим остида” сақлайдиган китоблардир. Ҳамма китобларимнинг саксон фоизи бадий, ўн беш фоизи техника, илмий-оммабоп,

Маҳфиратхон Бобоева—ўқитувчи, Шарифахон Фаёзова—колхозчи, жами эллиқдан зиёд китобхонлар. Мен улар ўзлари сўраган китобларини бериш билан қаноатланмай, балки бошқа янги, яхши китобларни ҳам тавсия этаман. Зотан китобни севган одам ҳаётни яхши тушунади, англайди. Китоб ўқувчига яхши бир устоз бўлиши, ғамхўр кўмакчи ўрнини босиши мумкин. Китобнинг куч-қудрати ҳам унинг қанчалик ижтимоий-маънавий, моддий самара бериши билан ўлчанади.

Меҳрибон бир устозим бор—филология фанлари кандидати Муҳаммадҷон Мадғозиев (ҳозирда марҳум). Мен у кишининг кутубхонасини, у ердаги тозалик, саришталик, китоб

олиш-беришдаги тартибни кўриб ҳавасим келади. Дарҳақиқат, шундай қилинганда шахсий кутубхона фондига ҳам, китобга ҳам путур етмайди, ноёб бу ҳазина яхши сақланади.

Эндиги гап китобга бўлган баъзи нотўғри муносабат, қарашлар тўғрисида. Мен баъзан одамларнинг туппа-тузук китобни шариллатиб йиртиб, туз-қалампир, нўхат каби нарсаларни ўраётганликларини, китоб устида сабзи кертаетганликларини кўриб, хафа бўлиб кетаман, улардан нафратланаман. Бундай ҳоллар камайиб борапти, албатта. Эндиликда бунга бутунлай барҳам бериш керак. Китобнинг ташқи муқоваси, ички мазмунидан қатъий назар, уни нондек улуғлаш лозим. Нон тан озиғи бўлса, китоб руҳ озиғи, қалб бойлиғи, тенги йўқ жавоҳирот сандиғидир.

Икромжон ТОЖИБОЕВ.
Газетамизнинг 1985 йил 74-сонидан.

Тахририятдан: *мақола бундан роса 37 йил аввал босилган бўлса-да, ҳамон долзарбдир. Қадрдонимиз Икромжондан шахсий кутубхонасининг бугунги ҳолати ҳақидаги акс-садони кўтиб қоламиз.*

Китобхон ўйлари ЖАВОҲИРОТ САНДИҒИ



қолганлари бошқа турдаги китоблардир.

Оқар дарё китобнинг йўлини тўсиб, уни жавонда асраб ётгандан маъни чиқмайди. У ҳамиша ҳаракатда бўлгани яхши. Шунинг учун ҳам қизиққан, ўқиш-ўрганишга меҳр қўйганларга, китоб кадр-қимматини биладиган кишиларга истаган китобларини фойдаланишга бераман. Улар орасида зиёлилар, қурувчилар, колхозчилар, ўқувчи ва бошқа соҳа кишилари ҳам бор. Масалан, Мўйдин Тожибоев—ошпаз, Мингибой Олимов—дурадгор,

Yoshlikni inson umrining oltin damlari, deb atashga arziydi. Katta hayotga ilk qadamlar ham ayni shu davrda qo'yiladi. Kelajakda qanday umr kechirish, qaysi kasb egasi bo'lishda mana shu qadamlar katta ahamiyat kasb etadi. Bugun ko'plab yoshlar oldilariga ulkan maqsadlar qo'yib dadil qadam tashlashmoqda. Mahallamiz yoshlarining bugungi orzu-o'ylari haqida bilim keldi va ularning ayrimlarini suhbatga chorladim.

Xolidaxon To'lanboyeva 45-maktabni a'lo baholarga tamomlab, ayni damda Andijon Davlat tibbiyot institutida o'qish maqsadida hujjat topshiribdi.

"Maqsadim yo'lidagi QADAMLARNI ANCHA ILGARI QO'YGANMAN,

—deydi,—repitorlarga qatnadim. Sohaga daxldor fanlarni imkon qadar yaxshi o'zlashtirishga intildim. O'zimga ishonaman. Shifokorlarga bolalikdan havas qilaman. Maqsadim—oliy ma'lumotli shifokor bo'lib, odamlar dardiga dardomon bo'lish, sog'lom turmushni targ'ib qilishdir», deydi Xolidaxon qat'iyat bilan.

Shu mahallalik Go'zaloy Si-diqjonova, Anvarjon Ibrohimov, Ahmadjon Mahmudjonovlar hunarmandchilikka mehr qo'yibdilar. Go'zaloy chevarga shogird tushib, maktabni bitirguncha sohaga ancha qo'li kelib qolibdi. Hozirda mahalla ayol-qizlari uchun bejirim ko'y-laklar tikib mahoratini oshirmoqda.—

HUNARDAN—UNAR

Bitiruvchi-2022

MAQSADINGIZ ANIQMI?

Unda qani, olg'a, aks holda...

deb bejiz aytmaydilar,—deydi mahorat sari intilayotgan yosh chevar. Hunarim ortidan oilamiz daromadiga men ham hissa qo'shishga erishyapman. —Biz ham hunarmand kosisib sifatida faoliyat yuritib, kelajakda

SHU SOHA BO'YICHA O'Z BIZNESIMIZNI YO'LGA QO'YMOQCHIMIZ,

—deyishadi Anvarjon va Ahmadjonlar.—Ayni damda sohaning sir-sinoatlarini o'rganyap-

miz.

Ham hunar o'rganib, ham kuniga yuz ming so'm atrofida daromad topayotgan bo'lajak biznesmenlar ishlaridan hursand. Kelajagini puxta rejalashtirayotgan va o'z o'rnini topib olgan yoshlarning hayot yo'li yorug' va ravon bo'lishiga ishonamiz.

Ammo dilni xira qiladigan holatlar ham har qadamda

uchraydi. Suhbatimiz asnosida katta hayot bo'sag'asida turgan ba'zi bitiruvchi yoshlarda aniq bir maqsadning yo'qligi achinarlidir. Bugun yoshlar ongida shakllanib ulgurgan "uch-to'rt yil Rossiyaga borib-kelib, uy qurib, mashina olaman" qabilidagi fikrlarga duch kelamiz. Axir biror-bir kasb-hunarsiz, til bilimagan qancha-qancha vatan-doshlarimiz muhojirlikda ne azoblarda kun kechirisha-

yotgani ayon haqiqat-ku! Otabobolarimiz bejiz har joyni qilma orzu, har joyda bor tosh-tarozu deb aytishmagan. Kuch-quvvatga to'lgan yoshlik g'ayratini shu yurtga bir g'isht qo'yishga baxsh eta olmagan odamni chinakam vatanparvar, deb atab bo'larmikin?!

O'z oldiga aniq maqsad qo'ygan, kasb-hunarli, ilm-salohiyatli yoshlar kelajagini mukammal yarata oladilar. Oldiga maqsad qo'ya olmagan, ushalmas orzular ketidan quvadiganlar go'yoki cheksiz ummonda ko'rinmas sohil tomon suzayotgan odamga o'xshaydi. "Ha endi bu yog'i bir gap bo'lar", qabilida ish yuritgan yoshlar keyin pushaymon bo'ladilar. Shunday bo'lmasin uchun oldingizga aniq maqsad qo'yishni, unga yetish mashaqqatlaridan qochmaslikni o'rganing, mening aziz yosh zamondoshim. Aks holda, behuda o'tgan lahzalar kelajakda sizdan hisob talab qilishini unutmang.

Ilhomjon SOBIROV, Qoraqalpog'iston davlat universiteti talabasi, "Dehqonobod" mahalla fuqarolar yig'ini.



FRANCIYADA COVIDNING ET TINCHI TULQINI AVJIGA CHIQMOQDA



Бу ҳақда мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги раҳбари Франсуа Брон баёнот берди.

"Сўнгги кунларда еттинчи эпидемиологик тўлқин кучаймоқда ва ҳар куни тахминан 120 минг кишида коронавирус инфекцияси қайд этилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугун кечкурун эса ушбу кўрсаткич 200 мингдан ошди", — деди вазир Франция миллий мажлиси (парламентнинг қуйи палатаси) йиғилишида сўзга чиқиб.

СИНДЗО АБЭ СУИҚАСДАН СЎНГ КАСАЛХОНАДА ВАФОТ ЭТДИ



Бугун жонига қасд қилинган Япониянинг собиқ бош вазири Синдзо Абэ касалхонада вафот этди, деб хабар тарқатди NHK телеканали.

Либерал-демократик партияси вакилининг таъкидлашича, сиёсатчи жиноятчининг ҳужумидан кейин Тиббиёт университетига олиб келинган ва шу ерда ҳаётдан кўз юмган. У 67 ёшда экани айтилмоқда.

41 ёшли Тэцүя Ямагами қўлбола тўппончадан Синдзо Абэнинг орқасига қарата икки марта ўқ узган, шундан кейин сиёсатчи ерга йиқилган. Уни зудлик билан касалхонага олиб кетишган, қон алмаштириш амалиётига қарамай, шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қололмади, дейилади хабарда.

Бош вазирнинг жонига қасд қилган кимса аввал Япония қуролли кучларининг денгиз кучларида хизмат қилган экан. У ҳибсга олингандан кейин полициячиларга Абэни ўлдирмоқчи бўлганини, чунки унинг бош вазирлик фаолиятдан норози эканини айтган, деб ёзмоқда "Рамблер" нашри.

E'LONLAR!

Tumandagi "Paxtakor" mahalla fuqarolar yig'ini, Olmazor ko'chasida joylashgan, tadbirkorlik sub'yektlarini davlat ro'yxatidan o'tkazish inspeksiyasi tomonidan 2011 yilda berilgan guvohnomaga asosan faoliyat olib borgan "OLLOYOR KELAJAK SARI" mas'uliyati cheklangan jamiyati (INN 301677564)ning dumaloq muhri va tamg'asi yo'qolganligi sababli BEKOR QILINADI.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Сўзингни чиройли қил, саломни тарқат, қариндошларга етиш, кечаси одамлар ухлаганида намоз ўқи, сўнгра жаннатга омон ҳолда кир. Абу Хурайра (розияллоху анху)дан.

Ибн Ҳиббон ривояти.

Ёллаган ишчингиз ҳақини тери қуримасдан олдин беринглр. Ва яна иш давомида унинг қанча ҳақ олишини билдиринглр.

Байҳақий ривояти.

Аёлга ҳақдорлик жиҳатидан энг буюги эридир. Эркакка ҳақдорлик жиҳатидан инсоннинг энг буюги онасидир. Ҳазрат Ойша (розияллоху анху)дан.

Ҳоким ривояти.

Садақаларнинг энг афзали оч жигарни тўйдирмоқлигиндир. Анас (розияллоху анху)дан.

Байҳақий ривояти.

“2002 ҳадис”дан.
(Ҳадиси шарифларда одоб-ахлоқ зикри).
“Мунир” нашриёти.
Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОЙЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

РАҲМ ВА ШАФҚАТ ЭНГ ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАРДАН БИРИДИР

Хайрли ва савобли ишлар инсонни турли ҳалокатлардан сақлайди.

ҲАДИС.

Инсониятнинг етказадиган фойдаларидан ва одамийлик дастгоҳини зебу зийнат билан безатиб турадиган ёқимли сифатлардан бири бу зиёфат ва дўсту биродарларга меҳрибонлик кўрсатишдир.

Бархурдор ибн МАҲМУД.

Раҳм ва шафқат инсоннинг энг яхши фазилатларидан биридир. Раҳму шафқатли киши доимо одамларга ёрдам кўлини чўзади, ожиз ва нотавон кишилардан

хабар олиб туради.

Ожизларга ёрдам қилмоқ улғликни оширади. Муруватли ва шафқатли одамни ҳамма ҳурмат қилади, номини эса эҳтиром билан тилга олади.

“МАҲЗАН АЛ-УЛУМ”.

Вайрон кўнгулларни қарам ганжи била обод қил.

ОГАҲИЙ.

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади.

“АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ”.

Одам бўл, одамга

одамийлик қил,

Одам деган отни,

мақтовни ол.

Юсуф ХОС ҲОЖИБ.

Халққа хайру эҳсон қилиш нақадар улғу фазилат! Бироқ бу хайру эҳсон беғараз бўлса яна ҳам яхши!

Бировга яхшилик қилсанг, қилган яхшилигингни яшир, биров сенга яхшилик қилса, эл орасига ёй!

Абдибек ШЕРОЗИЙ.

“Машиқзамин—ҳикмат бўстони”дан.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти.



Табиатнинг ўзи мусаввир

Ақл-ақлдан қувват олар

ОЛТИН ОЛМА, ОЛҚИШ ОЛ, ОЛҚИШ ОЛТИН ЭМАСМИ?!

“Кишиларга яхшилик қил. Яхшилик қилсанг, эл орасида номинг қолади. Яхшилик қилиб, кўпчиликнинг олқишини олсанг, бу сенга олтиндан ҳам

яхши фойдали бўлади”, деган маънода айтади. “Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?!”. “Ёғиш билан ер кўқарар, олқиш билан эр кўқарар”.

КўНГИЛ КўНГИЛДАН СУВ ИЧАДИ

“Кўнгилдан кўнгилга йўл бор”, “Дил—дилнинг ойнаси”, “Дил дилдан баҳра олади”, “Дил ғуборини дил олади”, “Қалб—қалбга элчи”, “Юрак юракка дарак беради”. Бу мақоллар билан: “Инсон қалби шундайки, у

ўзгалар қалбини сезади, тушунади, билади. Узга қалбни ўзига ром этмоқ учун унга йўл топмоқ—кифоя”, дейилмоқчи.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Инсониятнинг бутун тарихи давомида Вавилончалик ўта машҳур шаҳар бўлган эмас. Шу номнинг ўзиёқ кишида бойлик ва омад ҳақидаги тасаввурни туғдиради. Ша-

бойликлари ҳам, инсоннинг юксак ақл-заковати ва толмас меҳнаткаш кўллари самарасидир. Вавилонда фақат иккита табиий бойлик—серунум тупроқ ва дарё суви бор эди, холос. Вавилонлик муҳандис-

унум ерларга бебаҳо сувни етказиб берарди. Буни инсоният тарихида биринчи муҳандислик даҳосининг ғалабаси деса бўлади. Ушандан кейин вавилонликлар ола бошлаган мўлкўл ҳосиллар, уларнинг оғир меҳнати эвазига берилган мукофот эди.

Халқ бахтига ҳамма даврларда ҳам Вавилонни оқил шоҳлар бошқарган. Узга давлатларга қарши уруш олиб бориш, бегона ҳудудларни босиб олиш васвасаси уларга ёт эди. Вавилон тез тугайдиган майда жангларда асосан шаҳарнинг бойликларига кўз тиккан душманга қарши ҳимоя урушларини олиб борган, холос. Адолатли, доно ва ишбилармон бўлганликлари учун Вавилоннинг кўплаб буюк ҳукмдорлари ҳозиргача инсониятнинг хотирасида яшаб келмоқдалар. Халқни эзиб фақат улғуш ундириш ва дунёга подшоҳ бўлишни орзу қилган яққа ҳокимлар Вавилонда ҳеч қачон бўлган эмас. Бугунги кунда Вавилон шаҳри йўқ бўлиб кетган. Минг йиллар давомида уни қуриб, ободонлаштирганларнинг охирилари кетишгач, фақат харобалар қолган. Вавилон Осиёда, Сувайш каналидан тахминан тўққиз юз километр шарқроқда, Форс кўрфазидан шимолроқда, экватордан 30 градус юқори кенликда жойлашган эди. Юма (АҚШ. Аризона штати) шаҳри ҳам шу кенглик чизигида.

(Давоми бор).

Билиб қўйган маъқул

АСАЛАРИ ЗАҲРИ – КУЧЛИ АНТИБИОТИК

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Апитерапия (асалари заҳри билан даволаш) муолажасида шифокор асалари солинган идишдан қисқич (пинцет) билан тирик ари олиб, уни организмнинг касалланган жойига қўяди ва ўша заҳоти асалари чақади.

Унинг заҳри бутун тери остига ёйилади. Маслаҳат шуки, асло ўзингизни асалари заҳри билан даволашга уринманг. Бу хавфли бўлиб, сизга кучли аллергик реакция бериши ёки сизни анафилактик шокка олиб бориши мумкин. Буни махсус шифокор, яъни апитерапевт назорати остида амалга оширган маъқул.

Даволаниш курси одатда 5 кундан 20 кунгача давом этади. Муолажага кўшимча равишда беморнинг умуртқа поғонаси тоза асал суриб уқаланади. Бу мушак ва бўғимлар фаолиятини яхшилади, нобуд бўлаётган ҳужайраларни тиклайди. Ёдда тутинг, апитерапия муолажасини олаётганда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари (масалан, цитрус мевалар, кўзиқорин, саримсоқ, шоколад, қулупнай, шолғом сингариларни) истеъмол қилмаслик ва қаҳва, спиртли ичимликларни ичмаслик керак.

“Сихат-саломатлик” журналидан.

БАВИЛОН ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР

Жорж Самюэл Клейсон

ҳарнинг хазиналари битмас-туганмас эди. Вавилон дейилганида қадимги Вавилония, Бобулия, Бобил номларида замонамиз кишининг кўзлари олдида беихтиёр серҳосил боғу-роғларга бурканган, тилла конлари сероб афсонавий шаҳар намён бўлади. Аслида эса, ундай эмас. Вавилон Евфрат дарёсининг қашшоқ ва бефайз ҳавзасида жойлашган эди. У ерда на ўрмон, на бирор фойдали қазилма кон бўлган. Ҳатто, қуришга ярайдиган тош топилмади. Атрофида ҳам савдо йўллари мавжуд бўлмаган. Жуда кам ёғадиган ёмғирлар тупроқни қониқтириб суғоролмас, шунданми, мўл ҳосил ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Вавилон—юксак мақсадга эришишга қаратилган инсон иродасининг, тиришқоқлигининг ва астойдил меҳнатининг буюк намунасидир. Вавилондаги барча ноз-неъматларни инсон яратган. Унинг чексиз



Бу китобни ҳар бир миллионер ўқиган

Биринчи миллионернинг бўлажак миллионерга таъсиялари

лар дарё хавзасига кўтармалар бостириб, ирригация иншоотларини қуриб, дарё сувини кўпинча каналлар орқали оқиша олишдек жуда мураккаб вазифани бажарганлар. Каналлар узоқ-узоқларга чўзилган бўлиб, сер-

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улғу аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ноқоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
ҚўШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАҲРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидаҳон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси томонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:
151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номли маҳалла,
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАҲРИРИЯТИНИНГ
Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3100
нусадада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:
64875

Буюртма № 469

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:
Ҳадичаҳон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253
9 772010 1925307